



ТАЛАБАЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ХИТОЙ ТИЛИГА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДЛАРИ

Джурсаев Дилшод Мамадиярович,

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Калит сўзлар: хитой тил, усул, метод, маданият, самарадорлик.

Хитой тилини ўрганиш жиҳатлари ўқитувчи фойдаланган усул ва методларнинг ўзига хослигини белгилайди. Ҳар қандай предметга ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш унинг, яъни таълим жараёнининг асосий таркибий қисмларини белгилашни назарда тутаяди. Таълим мақсади, унинг мазмуни, усул ва услублари, шунингдек, ўқитиш воситалари шулар жумласидан. Санаб ўтилган барча таркибий қисмлар ўзаро чамбарчас боғлиқлигига қарамай, уларнинг мазмунини аниқлашни айнан шундай кетма-кетликда амалга ошириш зарур. Буларнинг барчаси ўқитишнинг асосий мақсадини аниқлашдан бошланади. Хитой тили (ва бошқа ҳар қандай тил)га нисбатан бундай мақсадлардан уchtасини ажратиш мумкин.

1. Тилни профессионал фаолият объекти сифатида ўқитиш (шартли равишда академик ёки филологик деб номлаш мумкин).

2. Чет тилни бошқа (нолингвистик) вазифаларни ҳал қилиш воситаси сифатида ўқитиш (шартли равишда амалий деб номлаш мумкин).

3. Чет тилни непрофессионал коммуникация воситаси сифатида ўқитиш (амалий ёки маиший деб номлаш мумкин).

Бу рўйхатнинг юқорисидан турган ҳар бир мақсад пастдан турган мақсадларни ўз ичига олиши мумкин, лекин аксинча эмас. Таълимни ташкил этишда буни назарда тутиш зарур [1; 192-с.].

Хитой тилига академик (филологик) даражада ўқитиш таълимнинг энг сермазмун ва масъулиятли шакли ҳисобланади. Бундай ўқитиш назарий билимларнинг анча катта ҳажмини эгаллаш ва улар негизида (ҳам умумий

нутқий, ҳам махсус, муайян касб фаолияти – тадқиқотчилик ёки амалий фаолиятни бажаришга йўналтирилган) лисоний кўникма ва малакаларни шакллантиришни назарда тутаяди. Шу қадар кўп қиррали ва катта ҳажмли мақсадга эришишнинг тегишли усуллари ишлаб чиқилган. Усуллар эса, ўз навбатида, таълимнинг тегишли мазмуни негизида белгиланади ва ишлаб чиқиладики, уларнинг моддий кўриниши ўқув материалларидан иборат бўлади.

Бундай таълимни ташкил этишда хитой тилига ўқитиш мақсадларини ва уларга мос таълим босқичларини ҳам белгилаб олиш муҳим. Ўқитишнинг давомийлигидан қатъи назар, уни бошланғич, ўрта ва якуний босқичларга бўлиш энг мақбули ҳисобланади [2; 92-с.].

Бошланғич босқич – ташкил этилиши жиҳатидан энг масъулиятли ва мураккаб жараён бўлиб, унинг давомида ўқитилаётган шахсларда тилнинг асосий жиҳатлари – фонетика, лексика, грамматика бўйича базавий кўникма ва малакалар, шунингдек, муайян даражадаги нутқий қобилиятлар шаклланади. Бошланғич босқичда муваффақиятли ўқитиш учун, кейинги босқичларда ҳам, жараённинг ҳар иккала томони (ўқитувчи ва талабалар томонидан) улар олдида турган аниқ вазифаларнинг тушунилиши жуда муҳим. Бунда ўзаро англашувни фақат талаба муайян вақт мобайнида эгаллаши зарур бўлган билимларни, лексик ва грамматик минимумлар, кўникма ва малакаларни пухта танлаб олиш (уларнинг номенклатурасини аниқлаш) йўли билангина таъминлаш мумкин. Буларнинг барчаси – таълим



мазмунни компонентлари деб ҳисоблаш мумкин.

Хорижий тилни ўрганишда мамлакат воқеликлари лингвомамлакатшуносликнинг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Воқеликлар – тили ўрганилаётган мамлакатнинг ҳаёти, маданияти, адабиёти, тарихи, урф-одатларига алоқадор ҳақиқий далиллардир. Воқеликнинг икки ёқлама таърифи мавжуд: воқелик – халқнинг, мамлакатнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маданият назариясига хос бўлган фан, тушунча, ҳодиса бошқа халқларда учрамайди; воқелик – фан, ҳодиса, шунингдек, сўз бирикмасини англлатувчи сўз (одатда фразеологизм, мақол, матал, шундай сўзларни ўз ичига олувчи тушунчалар) [3; 58-б.].

Хитой тилини ўзлаштиришда паст ўзлаштирувчи, мустақил ишлаш малакаси етарли бўлмаган талабаларга ўқитувчининг иштироки (мураккаброқ масалаларнинг ва топшириғини бажариш тартибини тушунтириб бериш) таъминланиши лозим. Яхши ўзлаштирган талабаларнинг бошқа таълим олувчилар томонидан бажарилган топшириқларни текширишда иштирок этиши, бизнингча, самарали натижа беради.

Хитой тилига ўқитишнинг самарали йўллари излаш лингвокультурологик компетенцияни ишлаб чиқишга олиб келдики, унинг марказида тил ва маданиятни ўзаро боғлиқ тарзда ўрганиш ғояси мужассам. Тилларни ўқитишга оид замонавий методика лингвокультурологик компетенцияни шакллантиришнинг вазифаларидан бири деб, сўзлашувчининг барча маданий қадриятлар тизимини яхши билишини таъминлаш ҳисобланади.

Лингвокультурологик машғулотлар воситасида ўқитувчи дунёнинг лисоний манзарасини шакллантиришга кўмаклашиши, хитой халқининг маданиятини акс эттирувчи лексика, фразеологизмлар, матнлар билан таништириши мумкин. Хитой тили дарсларида лингвокультурологик тушунчаларни шакллантириш жараёни ўз маданиятига муҳаббатни тарбиялаш,

бошқа халқларнинг тил ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни жаҳон маданиятидан хабардор этиш билан боғлиқ [4; 29-б.].

Ҳар бир халқ тили нафақат миллий ва дунё маданиятининг бир қисми, балки унинг сақловчиси ва давомийлигининг кафолати ҳисобланади.

Хитой тилини ўқитишда сўз бойликларини ошириш ва маданий сўзларни ўзлаштириш стратегияларини такомиллаштириш хитой тилини ўрганаётган талабалар самарадорлигини ошириш учун жуда муҳимдир ва у қуйидаги уч жиҳатда ўз ифодасини топиши мумкин:

1. Талабаларнинг таълимга бўлган қизиқишини ошириш.

Маданий лексика – талабаларнинг хитой тилини ўрганиш жараёнида дуч келадиган қийин муаммо бўлмай, балки уларни хитой тилини ўрганишга жалб қилиш, яъни қизиқтириш мумкин бўлган асосий восита сифатида қараш мумкин. Талабалар дастлабки босқичда хитой маданиятини ифодалаган маданий сўзларни тўлиқ тушуна олишади (Пекин операси, жанг санъати, тайжичуан, сихеюан, чеонгсам ва х.к.). Талабаларнинг хитой тилини ўзлаштириш ва ўқитишда маданий сўзлар ва жумлаларни аста-секин ўзлаштиришлари биринчи босқичда амалга оширилади. Ўрта ва юқори босқичдаги талабаларнинг бу сўзлардан ташқари ибора, мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, миллатнинг ноёб асарларини ўқишга, психологик фаолият ва юриш-туриш одатларини акс эттирадиган тушунчаларга кўпроқ қизиқишлари ортади.

Маданий сўзларни ўрганиш орқали улар маълум тил назарияси ва хитойнинг ижтимоий ва маданий тушунчалари ҳақидаги билимга эга бўлиб, ўз фикрларини ифода этиш ва бошқалар билан мулоқот қилишда қўллай бошлайдилар. Бунинг учун аста-секин маданий сўзлардан фойдаланишни бошлайдилар. Маданий лексикаларни қўллаш орқали самарали мулоқотга эришган талабалар хитой тилини



ўрганишдаги маданий сўзларнинг аҳамиятини тушунишга ва ўз фикрини баён этишга имкон беради, бу мамнунлик ва муваффақият туйғуси талабаларнинг кизиқишини янада оширади ва кучайтиради.

2.Талабаларнинг маданиятлараро мулоқот қобилиятларини ривожлантириш.

Хитой тилини ўқитишда лингвокультурологик ёндашув тилни мукамал эгаллашга ва маданиятлараро мулоқотга эришишга имкон беради. Талабалар сўзларнинг ифода қилгандаги маъносини англашга таъсир қилади. Агар талабалар сўз ёки сўз бирикмасининг маъносини тўлиқ тушунмаса ёки сўзнинг маданий маъноси ҳақида билимга эга бўлмаса, бу маданиятлараро мулоқот сифатига таъсир қилади. Хитой тилини ўргатишда маданий сўзлар ва ибораларни ўргатиш босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён. Ушбу жараён давомида талабалар маданий лексика ва ибораларни ўзлаштириш орқали билим даражаси аста-секин кенгайиб боради, маданий лексикани мулоқотда ишлатиш қобилияти, бу тилни ифодалаш қобилиятини оширади. Шу сабабли, машғулотларда хитой тилида маданий сўзларни ўргатишга эътибор қаратишимиз керак ва талабалар маданий сўзлар билан чекланмасдан самарали маданиятлараро мулоқотни амалга оширишлари мумкин.

3.Талабаларга Хитой маданиятини эгаллашида ёрдам бериш.

Маданий лексика Хитой миллий маданиятининг бир қисмидир, хитой халқининг узоқ тарихи ва маданиятини ўз ичига олади ва тақдим этади. Хитой тилини ўрганаётган талабалар учун бу тилда сўзлашуви нафақат ўз тилини такомиллаштиришга, балки Хитойнинг буюк маданий анъаналарини янада чуқурроқ эгаллашга, шунингдек, мулоқотда хушмуомалалик ва хулқ-атвор сифати, маданий хилма-хилликка тўғри муносабатда бўлишни ўрганади.

Хитой тилини ўргатишнинг асосий вазифаси шундан иборатки, бунда элементар лингвокультурологик

компетенцияни шаклланишини таъминлаш зарур. Тил ҳам тушунчавий тафаккур, ҳам образли тафаккурнинг моддий бирлиги бўлиб қолади. Лингвокультурологик нуқтаи назардан мамлакат тарихи, тил тарихини ўрганишнинг манбаи бўлиб тафаккурнинг барча турлари учун хизмат қилиши мумкин, чунки улар дунёни акс эттириш воситаси сифатида лингвокультурологик ахборотни тўплайди ва сақлайди. Мамлакат тарихининг барча энг муҳим воқеалари нафақат ҳужжатларда, балки бадий фольклорда, тасвирий санъатда акс этган.

Хитой тили дарсларида ҳар бир мавзуни ўрганишда материалнинг лингвокультурологик йўналиши талабаларда этник ўзини англашнинг шаклланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, хитой тилига ўқитиш муаммолари ва уларнинг сифатини ошириш учун бир нечта мажбурий шартларга амал қилиш лозим:

Биринчидан, вазифани кўйишда (ҳар бир дарс ва машқлар мақсадини белгилашда), хитой тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, «ўқишдаги бир қийинчилик» тамойилига оғишмай амал қилиш лозим. Бу шуни англатадики, ўқув материалнинг янги қисми аввал ўзлаштирилган материални ҳисобга олган ҳолда берилиши лозим ва ундан мантқан келиб чиқиши керак (иероглифларнинг калитлари – чизиқлар асосида; иероглифлар – калитлар асосида; икки бўғинли сўзлар – бир бўғинли сўзлар асосида ва ҳ.к.). Шундагина материалнинг ўхшашлиги, аналогияси бўйича, ассоциациялар асосида ўзлаштирилишини таъминлаш мумкин, бу эса хитой тилига ўргатишда катта аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, машғулотнинг мақсади – янги грамматик кўникмани шакллантириш бўлса, унда ушбу мақсадга эришишга хизмат қиладиган бутун лексика талаба томонидан аввалроқ ўзлаштирилган бўлиши керак (янги грамматик тузилманинг таркибий қисми бўлган лексик бирликлар, айниқса, ёрдамчи сўзлар бундан мустасно).



Иккинчидан, ўқитишнинг ҳар бир босқичида, ҳар бир блокда (дарсда) талаба ўз масъулияти ҳажмини аниқ тасаввур қилиши керак, бу масъулият лексик бирликлар ва грамматик қоидаларда сифат жиҳатдан, шунингдек, коммуникатив интенцияларни тўғри тушуниш борасида шаклланган кўникмалар ва малакаларда ифодаланган бўлиши лозим. Бир сўз билан

айтганда, талаба ҳар бир дарс жараёнида нимани ўрганиши кераклигини аниқ билиши лозим (билим, кўникма, малакалар).

Учинчидан, дарслик талабага ўзини назорат қилиш, ўқитувчига эса – берилган вазифанинг бажарилиши натижасини назорат қилиш ва баҳолаш имкониятини таъминлаши лозим.

Фойдаланган адабиётлар

1. Мишати́на Н.Л. Лингвокультурологический подход к развитию речи учащихся VII – IX классов: Дис. ... канд. пед. наук. – СПб.: 2000. – 223 с.
2. 吴平. 对外汉语教学中的文化词语. 世界图书出版公司.: 2012 年. 10 月. 127 页. 总页 238 页.
3. Исраилова М.Н. Лотин тилини ўқитиш жараёнида тиббиёт олий таълим муассасаси талабаларини интеллектуал-маданий ривожлантиришнинг дидактик асосларини такомиллаштириш: Дис. ... пед. фан. док. –Т.: 2017. – 154 б.
4. 石中英. 教学学的文化性格. М.:太原 : 山西教学出版社.: 2003年. 总页数385页.
5. <http://www.baidu.com/>
6. <https://bkrs.info/>

Джураев Д. Методы повышения эффективности в процессе обучения студентов китайскому языку. Данная статья рассматривает процесс повышения эффективности урока путем использования эффективных методов в процессе обучения студентов китайскому языку. Кроме того, исследованы способы обучения китайскому языку посредством культуры.

Djurayev D. Methods of increasing effectiveness in the process of teaching the Chinese language to students. The article describes the process of increasing the effectiveness of teaching Chinese by using modern methods during the lesson. In addition, methods of teaching Chinese through the culture were investigated too.